


1919 йил охирларида Пишпакка (Хозирги Бишкек, 1926-1991 йиллар орасида Фрунзе номи билан аталган.) карашли Кораболта, Оксу бўлиб, ўн саккиз рус кишлоклари бирлашган холда коммунистларга карши кўзголон кўтаришди. Бойликка ботиб ётган Пишпак, Сўкулук дунганлари хам тушунмасликдан бу ишга кўшилиб колдилар. Натижада торткилик бутунлай улар устларига тушиб, энг огир зарбалик калтаклар бошларида ушатилди. Шундокки, беш юз уйликка етмаган Пишпак, Сўкулук дунганларидан саккиз юз кишини хайдаб келиб, бозор ўртасида пулемётга тутдилар. Шулар ичидан ўк тегмай колган ёки ярадор бўлиб жони чикмай турганларини кизил аскарлар оралаб юриб, найзалаб ўлдирдилар. Кўзголончилар маркази бўлган беш минг чамали ахолиси бор Оксу кишлоги русларидан, илгари-кейин бўлиб, ўлим жазоси кўрганлари ўттиздан ошмаган эди. Оллох сакласа бало йўк дегандай, шу йили Сўкулукка боришдан мени саклаб, бу каби натижасиз конли кўзголон офатларидан Ўзи асрамишдир. Шу вокеа бўлишида мен Тўкмокдан саккиз чакирим шимол тарафдаги дунган кишлоги Коракўнгиз масжидида турган эдим. Пишпак, Сўкулук кочоклари килич, милтик каби борлик куролларини осинган холда таниган-танимаган аралаш, мени кора тортиб, устимга тушдилар. Буни кўришган масжид кавмлари ўз бошларидан кўркишиб ва яна мени аяшганларидан уларни бу ерда кўндирмаслик учун маслахат кўрсатган бўлсалар хам, унга мен розилик бермадим. Бу каби улуг офатлардан мени неча мартабалар асраб ўргатган мехрибон Тангрим илтифотига ишонганлигимдан бу мазлумларни эрларча очик юз билан карши олиб, синик кўнгилларини кўтардим. Бу ерда яшириниб колиш имконияти йўклигидан, бош-оёги икки-уч кун туришгандан сўнг Олмаота, Ёркент чегаралари оркалик Гулжага ўтмокчи бўлиб кетдилар.
Сўкулук дунганларининг тузларини тотиб, яхшиликларини кўп кўрган эдим. Уларнинг

ичида ишонимлик шогирдларим ва дўстларим кўп эди. Бундай вактларда бориш хатарлик бўлса хам чидаб туролмай, уч-тўрт шогирдларим билан бир арава киши бўлиб, Сўкулук томонга йўл тортдим. Пишпакка келгач, дунган калъаси(Бу ерда кент маъносида.) йўл устида бўлганликдан, оралаб ўтишга тўгри келмиш эди. Якинлашиб борган сайин бундаги кўз кўрган кўнгилсиз нарсаларни тил сўзлаб, калам ёзиб чидаёлмайди. Интизомлик аскарларга, куроллик кучга, тили бўлак, дини бўлак бир канча йигинди, кўли курук кора куч кишилари кандай карши турсинлар? Табиат оламига Илохий томонидан юборилган улуг пайгамбарлар хам шу табиат конунига бўйсунмасдан бошка хеч чоралари йўкдир. Уруш фанларининг конуни бўйича аскарнинг сон-саноклари, курол-жабдук ва аскарий интизомлари энг бўлмаганда душманникидан тубан ва оз бўлмаслиги биринчи шартдир. Агар шу шароит кўлга келар экан, у холда диний, миллий хакоратга бўйсунмасдан душманга карши куролга кўл суниш албатта фарз бўлур. Агар бундай бўлмаган такдирда ўзини ўринсиз ўтга уришдан сакланиб, вактинча сабр килишдан бошка чора йўкцир. Биз хозирданок шундай шароитсиз огир ахвол устида турамиз.
Махалла кўчасидан ўтаётганимизда йўл бўйлаб талон-булон колдиклари, сочилиб ётган нарсалар, куйдириб-ёндирилган иморатлар ичида вайрон-толкони чикиб ётган томлари кўзга чорпилмокда эди. Буларни кўргач, кўз ёшимиз куримасдан шу юрганимизча юриб мазлумлар конлари билан бўялган Сўкулук кишлогига кирдик. Бу вокеа ўтиб ортидангина борганлигимиз учун мусулмонлар отилган-чопилган кўчалардаги конлар тозаланган бўлса хам, бошка белгилари йўколмаган эди. Сокчи кишилари бизни бошка ёкдан келганимизни кўргач, олдимиздан тўсиб идораларига бошладилар. Ўлганларнинг хотин-киз, етим болаларига аталган бир канча буюм, кийим-бошларни кўрсатиб, ёрдам учун келганлигимизни билдирдик. Сўнгра йўлхатларимизни12текшириб,бизгарухсаткилганбўлсалар хам яна орамизда ишонмаслик пайдо бўлиб, анчагина сўз ўтмиш эди. Маълумдирки, махкумиятда эзилган куролсиз дудук тиллар голибият зулми билан гурурланиб турган, хар бирининг тумшугидан тўнгиз курти тушган, куроллик шахдам тиллар олдида нима дея олардилар?
Шу билан голиб душман олдидан кандайдир кутулиб чикканимиздан сўнгра ёрдамга келтирган оздир-кўпдир нарсаларимизни таркатдик. Ўлганлар оилаларига кўз ёшимиз билан Куръон ўкиб, кўнгил айтдик. Бу фойдасиз фитнада менингўз шогирдларимдан йигирмадан ортикрок киши шахид бўлмиш эдилар. Булардан энг катталарининг ёши ўттиздан ошмаган эди...
Шундай килиб, бу жойда икки-уч кун турганимиздан ке-йин, у ердан кайтиб, яна Тўкмокка келдик.

Алихонтўра Согунийнинг "Туркистон кайгуси" китобидан